Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 188 (6. 379) 1987 йил 20 август, пайшанба. Баҳоси 3 тийин

1917 1987

## Биринчи тақдимдаёқ

Р. Сирожиддиновaнинг Тошкент асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида силлиқловчи бўлиб ишлаётганига 22 йил бўлди. Ана шу вақт ичида у ўз ихтисослигини мукаммал ўзлаштириб олди.

**Ҳозир илғор ишчи смена топшириқларини 125 — 130 процентга етказиб адо этмоқда. Унинг қўлидан ўтган деталлар биринчи тақдимдаёқ қабул қилинади.**

**Зарбдор ва ҳалол меҳнати, жамоатчилик ишларида фаол иштироки учун Р. Сирожиддинова «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.**

**Фрезерчилар бригадасининг етакчиси ўз ҳамкасблари билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик муборак тўйига муносиб совға ҳозирламоқда.**

## Янги маркали агрегат

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейеридан янги маркали агрегатлар тушириб олинмоқда.

**Шулардан бири «Т100ХП» маркали агрегатдир. Бу янги тракторнинг двигатели қуввати оширилган, кабинаси такомиллашган бўлиб, ҳайдовчи учун жуда мос. Трактор осон бошқарилади. Янги трактор ҳозир дала шароитида «имтиҳон»дан ўтказилмоқда.**

**Машинасозлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик олтин тўйига шундай такомиллашган трактордан 500 тасини ишлаб чиқаришни кўзда тутишяпти.**

## Либослар кўрки

Чиройли ишланган металл тугмача либоснинг кўркидир. Буни тайёрлашда ҳозирда автоматика воситалари ёрдамга келаяпти.

**Экспериментал фурнитура-пластмасса заводида техника янгилигига катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун замонавий янги ускуна монтаж қилишга киришилган эди. Ҳозирги кунда созлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.**

**Янги линиянинг қуввати йилига 50 миллион дона металл тугмача тайёрлашдан иборат.**

## Октябрь ойи ҳисобига

Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинатининг қурилиш бошқармасига қарашли В. А. Демидов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси «Главташкентстрой» қурилиш бошқармалари орасида энг илғор коллективлардан саналади. 27 кишидан ташкил топган бу бригада аъзоларининг ҳаммаси бир неча касбни ўзлаштириб олган.

**Бугунги кунда Юнусобод массивидаги Мирзааҳмедов кўчасида бунёд этилаётган 9 қаватли 126 квартирали бинода бригада графикдан бир ой ўзган ҳолда қурилиш монтаж ишларини олиб боряпти. Айниқса Г. Савельев, Д. Коволенко, А. Иванов каби ишчилар намуна кўрсатишмоқда. Бу илғорлар шу кунларда октябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишаяпти.**

**Д. ОБЛАЕВ.**

# УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

ВАЗликлар ташаббуси — амалда

## ҲИММАТ

Бундан бир неча йил муқаддам Тольятти шаҳрининг бир қатор меҳнат коллективлари ватанпарварлик ташаббуси билан чиқиб, ўзларининг дам олиш кунларида йил давомида тўрт кун муҳим социал, маданий-маиший объектлар қурилишида ишлашга аҳд қилишди. Бу ташаббусни мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Тошкент тўқимачилик комбинатининг аҳил коллективи ҳам қизғин кутиб олди.

Ташаббуснинг бу корхона меҳнатчилари ўртасида катта ҳайриҳоҳлик туйғуларини уйғотиши табиий, албатта. Чунки комбинатнинг ўзиёқ ҳашар усулида тиклангандир. Вақти келиб, у индустрлаштириш даврининг йирик қурилиш объектига айланди. Комбинат пойдеворига республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ўзи дастлабки ғиштни қўйди. Бу эса корхона қурилишида умумхалқ ҳашарини уюштиришда ибратли иш бўлди.

Тольяттиликлар ташаббуси эса тўқимачилик комбинати коллективи учун янада қимматли бўлди. Кўп ўтмай корхонада махсус штаб ташкил этилди. Мазкур штаб меҳнат коллективларининг муҳим социал, маданий-маиший объектларда ишлаш графигини тузди, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилди.

Социал, маданий-маиший хизмат объектларида беминнат, холисона ишлашда учинчи йигирув фабрикаси коллективи айниқса фаоллик кўрсатди. Улар фабрикадаги психологик ҳордиқ хонасини жиҳозлаш ва безаш, фабрика қошидаги ёзги чойхона ҳамда янги очилган озиқ-овқат магазини қурилишларида актив қатнашдилар. Бу фабрика ишчилари социал маиший хизмат объектларида шу кунга қадар 750 ишчи кунини ишлаб беришди. Бундан ташқари бир қатор меҳнат коллективлари фабрикага қарашли территорияни тозалаш ва ободонлаштириш ишларида қатнашдилар. Фабрика территориясида 5 мингдан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди.

Иккинчи йигирув-тўқув фабрикаси коллективи фабриканинг механика устахонаси, фабрикага қарашли ёзги чойхона, мева-сабзавотлар савдоси дўконини капитал ремонтдан чиқаришди. Қарийб 600 ишчи-кун социал маиший хизмат объектларда меҳнат қилган фабрика коллективи салкам икки ярим минг сўмлик иш бажаришди.

Корхонанинг бирор бир бўлими, цех ва ишлаб чиқариш коллективлари бу эзгу ишдан четда қолгани йўқ. Меҳнат коллективларининг беминнат хизмати эвазига ўн учинчи ва саккизинчи болалар боғчалари, пионер лагери, Тошкент денгизи бўйидаги тўқимачилар дам олиш зонаси, ишлаб чиқаришлардаги ечиниш-кийиниш хоналари, ўн олтинчи ва олтинчи ишчи ётоқхоналари жорий ва капитал ремонтдан чиқарилди. Юбилей йилининг фақат олти ойи мобайнида корхонанинг мингдан зиёд ишчилари социал маиший хизмат объектларида қарийб уч минг ишчи-кунини бажардилар.

**Ф. ХУСАНОВА.**



Меҳнат ветерани Г. Бородкин бир неча йилдирки, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкентдаги ихтисослаштирилган ремонт ишлаб чиқариш корхонасида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Ишга бўлган садоқати туфайли ҳамиша қувончли натижаларга эришаётир. Қолаверса Г. Бородкин ўнлаб ёш токарларнинг устози ҳамдир.

СУРАТДА: меҳнат ветерани Г. Бородкин шогирди Г. Шокиров билан янги буюртма устида ишламоқда.

Р. Шарипов фотоси.

Техника тараққиёти йўлидан

## Тадқиқотчи студентлар

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида студентларнинг техника ижодкорлигини кенг йўлга қўйиш юзасидан қатор ибратли тадбирлар кўрилди: олий ўқув юртида ташкил этилган студентлар конструкторлик бюролари орқали истеъдодли ёшлар ўз мустақил изланишларини муваффақиятли амалга ошириб келмоқдалар.

Эндиликда бу мустақил тадқиқот ўчоқлари институтнинг студентлар конструкторлик бирлашмасига уюшган ҳолда иш кўрмоқдалар. Автомобиллар техникавий эксплуатацияси кафедраси ҳузурида фаолият кўрсатаётган конструкторлик бюроси йўли билан ҳам талайгина изланишлар олиб борилди. Бундай тадқиқотларнинг кўпчилиги теварак-атрофни муҳофаза қилиш, ёнилғидан унумли фойдаланиш муаммоларига бағишланган.

Энг яхши изланишлар авторлик гувоҳномалари билан тақдирланди. Иқтидорли студентлардан З. Носиров, С. Пак, И. Попов ва бошқалар ҳам бундай гувоҳномаларга сазовор бўлдилар. Уларнинг илмий-амалий аҳамиятга молик бу ишлари республикамизнинг автотранспорт корхоналарида жорий қилинди.

Кафедра бўйича бу йил 30 дан ортиқ диплом иши муваффақиятли ҳимоя қилинди. Шунингдек, ўнга яқин рационализаторлик таклифи тақдим этилди.

Бу ишларнинг аксариятида амалда қўллаш учун зарур бўлган тавсиялар ҳам бор.

**А. АЛИЕВ.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

АХБОРОТ

**Тошкентда Ҳиндистон фестивали ўтказилишига тайёргарлик кўриш муносабати билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан В. И. Ленин проспектидаги ер ости ўтиш йўли ва метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» станциясидан министрликлар жойлашган 20 қаватли бинога чиқиш йўли 19 августдан 25 августгача қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш пайтида техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ва 4 сентябрдан 6 сентябргача фестивални ўтказиш вақтида беркитилади.**

## Замондошимиз



## Ҳам жамоатчи, ҳам илғор

**Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча меҳнаткашлари ўз ишларини қайта қурмоқдалар. Тайёрланаётган буюмнинг сифати яхшиланаяпти. Бундан тўрт-беш йил илгари магазинлар пештахталарида бирлашма маҳсулотлари чанг босиб ётар эди. Ҳозирги кунда эса корхона муҳри туширилган турли буюмлар ўзининг пишиқлиги билан харидорларга манзур бўлаяпти.**

**Муваффақиятларнинг қўлга киритилишида Октябрь район Совети депутати, бригада бошлиғи Зоя Александровна Радаеванинг ҳиссаси катта. Тиришқоқ, талабчан ишчи ҳамиша ҳамкасблари меҳнатини осонлаштириш устида бош қотиради. «Агар ҳар бир киши зиммасига юкланган топшириқни қандай натижа бериши-ю, одамларга қандай нафи тегиши мумкинлигини ўйлаган ҳолда бажарса, мана шунинг ўзини халқимиз турмушининг фаровонлиги йўлида жон куйдириш, деб аташ мумкин» дейди ҳамиша.**

**Унга кўпгина жамоат топшириқлари юклатилган. Меҳнаткашлар ишонч билдириб, область касаба союз комитетига аъзо, цех бошланғич касаба союз ташкилоти раислигига, уй-жой ва маиший хизмат комиссияси, балоғатга етмаганлар билан ишлаш Советига аъзо этиб сайлаганлар.**

**— Бригадамизда 29 нафар ишчи меҳнат қилади, — дейди З. Радаева. — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи шарафига авж олдирилган мусобақада актив қатнашаётган коллективимиз юқори кўрсаткичларга эришаяптилар. Бригаданинг кунлик плани ортиғи билан адо этилаяпти.**

**Меҳнаткашлар Зоя Александровнани бригадирликка, район Советига депутатликка, цех касаба союз комитетига раисликка сайлаб янглишишмаган. У жамоат топшириқларини бажаришга улгуриш билан бирга ҳозирги кунда 1988 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.**

**СУРАТДА: З. А. Радаева.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

# КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети «СССР Журналистлар союзининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва фаолият шароитларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Совет жамиятининг социал-иқтисодий ва маънавий турмушини қайта қуришда оммавий ахборот ҳамда пропаганда воситалари ишини кучайтириш мақсадида КПСС Марказий Комитети СССР Журналистлар союзининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва фаолият шароитларини яхшилаш учун қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқди. СССР Журналистлар союзи ҳузурида СССР журналистлар фонди ташкил этилди. СССР Журналистлар союзи маблағлари газета ва журналларнинг редакциялари, нашриётлар, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Совет Иттифоқи Телеграф агентлиги, «Новости» матбуот агентлиги, телевидение ва радиоэшиттириш органлари томонидан тўланган авторлик гонорарининг 6 проценти миқдоридаги ажратмадан иборат бўлади (бошқа ижодий союзлар фондларига ажратма қилинадиган гонорардан ташқари), деб белгилаб қўйилди. СССР Журналистлар союзи правлениесига СССР Юстиция министрлиги, СССР Молия министрлиги ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан келишган ҳолда СССР журналистлар фондининг уставини, структурасини, штатлари ва ходимларнинг мансаб окладларини тасдиқлаш топширилди.

СССР Журналистлар союзи моддий базасини мустаҳкамлаш учун бошқа тадбирлар белгиланди.

КПСС Марказий Комитети СССР Министрлар Советининг мазкур масала юзасидан фармойиши лойиҳасини маъқуллади.

СССР Министрлар Совети қабул қилган фармойишда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ижодий союзларнинг фаолият шароитларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорининг пенсия таъминотига оид қисми СССР Журналистлар союзига ҳам жорий этилди.

СССР Министрлар Совети СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига «Мисль» нашриётида оммавий ахборот воситалари фаолияти назарияси, тарихи ва практикасига, матбуот ходимлари иш методикаси ва улар меҳнатини ташкил этишга оид адабиётларни, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва справочникларни, шунингдек журналистларнинг энг яхши публицистик асарлари тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш билан шуғулланадиган редакция очишни топширди.

СССР Госпланига 1988 йилдан бошлаб планларнинг лойиҳаларида СССР Журналистлар союзига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ижод уйлари, пансионатлар, дам олиш базалари, профилакторийларни союзнинг ўз маблағлари ҳисобига қуриш учун капитал маблағ лимитлари ажратишни кўзда тутиш таклиф қилинди.

СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, ўлка, область халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ва Москва шаҳар ижроия комитети зиммасига 1988—1995 йилларнинг планларида журналистлар учун кооператив уйлар, шу жумладан қишлоқ районлари марказларида кам квартирали уй-жойлар қуришни кўзда тутиш вазифасини юклади. Москва шаҳар ижроия комитетига марказий журналистлар уйини капитал ремонт қилиш ишларини 1988 йилда тугаллашни таъминлаш таклиф қилинди.

Демократияга ўрганяпмиз

# ЭНДИ ИШГА, РЕКТОР!

**СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги коллегиялари М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси коллективининг янги ректор сайлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқладилар. Республикада хизмат кўрсатган артист, махсус фортепиано кафедрасининг мудири, профессор Офелия ЮСУПОВА ректор бўлди.**

Бу билим юрти ректорсиз қолган эди. Кейинги уч йил ичида консерваторияга раҳбарлик қилган К. Кенжаев ножўя ишлари учун яқинда ишдан олиниб, КПСС сафидан ўчирилди. Ўқув ишлари бўйича проректор М. Юнусхоновни ҳам вазифасидан бўшатдилар.

Ўқув-тарбиявий ишларнинг аҳволи ниҳоятда издан чиққан, коллективдаги маънавий-руҳий вазият ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Буни турли даражадаги комиссиялар бир неча марта қайд этдилар. Улар консерваториянинг ниҳоятда заиф моддий-техника базасига ҳам эътиборни қаратдилар.

«Янги ректор қачон тайинланаркин? У ким бўларкин? — ўқитувчилар, студентлар бир-бирларига ташвишланиб ана шундай савол берардилар. Коллективда вазият кундан-кун кескинлашиб борарди. Тан бериш керак: юз берган вазиятда республика маданият министрлиги ва Тошкент шаҳрининг Куйбишев район партия комитети янги ректорни сайлаш керак, деган бирдан-бир тўғри қарорга келдилар.

Консерватория коллективи қарийб икки ой бунга тайёрланди. Ана шу юксак, масъулиятли лавозимга номзодлар кўрсатилган йиғилишлар ҳамма кафедраларда бўлиб ўтди. Улар йигирма тўрт киши эди. Илмий кенгаш ва партия бюросининг қўшма мажлисида ҳар бир номзод жуда пухта муҳокама қилинди. Натижада тўрт кишигина, спорт ибораси билан айтганда, марра чизиғига чиқиш имкониятига эга бўлди.

Ниҳоят, сайловлар куни келди. Мажлислар зали ҳаммани сиғдира олмади. Бу ерга барча кафедралар ва факультетлардан делегатлар йиғилишди. Кузатувчи бўлиб четда қолганлар эса воқеаларни «кулуарлар»да қизғин ва манфаатдорлик билан муҳокама қилардилар.

Залда йиғилиш бошланишига ўн минут қолганда худди команда берилгандек сукунат чўкди. Йиғилишни очган республика маданият министри М. Аҳмедова номзодлар номини тилга олгандан сўнггина зал енгил нафас олди. Гап шундаки, йиғилиш бўлишидан бир-икки ҳафта олдиноқ, айрим ичи қора одамлар ҳар хил миш-мишлар тарқатиб, бўладиган йиғилиш хўжа кўрсинга ўтади, ректор номзоди «юқори»да ҳал қилиб қўйилган: у «четдан» келадиган одам бўлади, деб юрган эдилар. Бу миш-мишларга фактлар уланиб, коллективни яна ҳам пароканда қилиб қўйган эди.

Шунинг учун ҳам номзодлар ўз одамлари эканлиги, сайловлар натижасида яширин овоз билан уларнинг бири коллективни бошқариши маълум бўлганда ҳамма енгил нафас олди.

Номзодлар бирин-кетин минбарга чиқдилар. Уларнинг ҳар бири ўз мақсади билан делегатларни таништирди. Биринчи бўлиб республика халқ артисти, опера тайёргарлиги кафедрасининг мудири, профессор А. Абдуқаюмов раҳбар бўлиб сайланган тақдирда ўзининг яқин ва истиқболда қилажак ишлари ҳақида сўзлаб берди. Ҳозир бўлганларнинг кузатувчан нигоҳи унинг ўзига ишончи, айтишим мумкинки, насиҳатомуз оҳангдаги гапларини пайқади. Лекин, назаримда, у ҳаркалай аниқ ва мақсадли программани таклиф этолмади.

Тасодифийми ёки йўқми, навбатдаги нотиқ сўзини ўзидан аввалги нотиқ тугатган сўз билан бошлади:

— Ректор бўлишни истамайман, деб айтсам мен охиригача носамимий бўлардим...

Шарқ музикаси кафедрасининг мудири О. Матёқубов ўз программасини анчайин аниқ изҳор этди. «Коллективда вазиятни қандай соғломлаштириш керак? Ҳаммадан ҳам кўпроқ уни ана шу савол ташвишлантирарди.— Кейинги уч ректорнинг, айниқса, К. Кенжаевнинг хатоси шунда эдики, улар коллектив учун эмас, балки коллектив улар учун яшаётган эди. Биз бир-биримизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз, ўзаро носамимийлик, ғаразгўйлик, жиззакиликни тугатишимиз керак. Консерваторияда бутун муҳитни соғломлаштиришнинг асосий калити ошкораликдир, бу эса бизда шу вақтгача бўлмай келган. Биз юз берган воқеалар учун ҳаммамиз айбдормиз, шунинг учун ҳам ишимизни ўзимиз тузатишимиз керак...»

О. Матёқубов муваффақиятга эришиши шубҳасиздек туюлганди...

...Офелия Юсупова эркин гапирди, касбдошлари билан сўз ўйини қилиб ўтирмади. Улар билан ўзининг дилидаги фикрларни оддийгина ўртоқлашди.

Консерватория унинг учун қадрдон уйи бўлиб қолган эди. У ўн ёшидан ана шу ўқув юртидаги музика мактабида таълим ола бошлади. Ўшандан буён мен у билан бир неча бор суҳбатлашганман, лекин вақти келиб у ректор бўлиб қолишини тасаввур ҳам этмаганман (унинг ўзи ҳам тасаввур этмаган бўлса керак).

Унинг сўзи лўнда ва фикрлаш мантиқи билан жалб этарди. У консерваторияни республиканинг ҳақиқий маънавий ва музика маданияти маркази сифатида қайта тиклашни, бунинг учун студентларга, айниқса, курсдан-курсга кўчиш имтиҳонларида талабчанликни ошириш, бутун профессор-ўқитувчилар состави иш самарадорлигини кўтаришни орзу қиларди.

— Биз бугун ошкора айтишимиз керакки, бир вақт мослашиб олиб, ҳозирги кунгача эски юк билан яшаётган кишилар орамизда озмунча эмас. Иғвогарлик, ошна-оғайнигарчилик, гап ташиш ва ғийбат қилишларни таг-томири билан тугатишимиз зарур. Турғунлик ҳолатидан дарҳол чиқолмаймиз, бу осон эмас, лекин бошқа йўл йўқ.

Сўнгги номзод қолган эди. Мана у ҳам минбарга чиқди. Композиция кафедрасининг мудири, республикада таниқли композитор Ф. Янов-Яновский шундай деди:

— Ҳозир консерватория тақдири ҳал бўлиб турибди. Бу ҳақиқат, аянчли ҳақиқатдир. Педагогик кадрларни тубдан қайта кўриб чиқиб, студентлар билан ўзаро муносабатларни ўзгартириш, уларда бизнинг тарафдорлар, ҳамроҳларни кўриш зарур. Бўлажак ректор вазифасининг бутун муҳимлиги ва масъулиятини яққол ҳис қилган ҳолда мен ўз номзодимни қайтариб оламан...

Бу гап залда худди ёрқин осмонда гулдираган момақалдироқдек эшитилди. Президиум ўз номзодини қайтиб олишни овозга қўйишга мажбур бўлди. Фақат шундай қилиб, демократик йўл билан унинг илтимоси қондирилди.

Уч даъвогар қолган эди. Минбарга сайловчи-делегатлар бирин-кетин кўтарилдилар. Уларнинг ҳар бири «ўз» номзоди учунгина даъват этмай, коллективни соғломлаштириш, унинг ҳаёт фаолиятини «тиклаш» юзасидан амалий таклифлар киритганлиги қувончлидир.

Залда 246 делегат тўпланган эди. Яширин овоз бериш якунлари чиқарилгунча мен бир неча қисқа интервьюлар олдим. Тахминингиз қандай, деган битта савол бердим. Кўплар Матёқубов ва Юсупованинг номзодини айтишди. Лекин узил-кесил якунларни ҳисоб комиссияси чиқарди. Кўпчилик овоз билан Офелия Юсупова ректор бўлди.

... Консерватория мажлислар залидан мен Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Н. Емельянов билан бирга чиқиб кетдим. «Ректорни сайлаш — бу ишнинг бошигина, холос, — деди у. — Муҳими, — унга ўзини қўлга олишда, ҳақиқий етакчи бўлишда ёрдам беришдир. Янги ректор район партия комитети томонидан қўллаб-қувватланиб турилади. Биз бу ерга фақат байрамлардагина келмаймиз, консерваториянинг илгариги шуҳратини тиклаш — бутун район партия ташкилотининг шарафли ишидир...»

Хуллас, сайлов бўлиб ўтди. Самимий, умид туғдирувчи сўзлар айтилди. Энди ишга, ўртоқ ректор!

**Вил. НИЁЗМАТОВ,**
**(Ўз мухбиримиз).**
**Тошкент.**

**(«СОВЕТСКАЯ КУЛЬТУРА»нинг 1987 йил 18 август сонидан).**

